

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.102.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ВАЛИЕВ ШУХРАТ НАСИМОВИЧ**

**АКУШЕРЛИҚДА ШОШИЛИНЧ ҲОЛАТЛАРДА ОПТИМАЛ  
ЖАРРОҲЛИК ЙЎЛИНИ ТАНЛАШ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of phylosophy (PhD)**

**Валиев Шухрат Насимович**

Акушерликда шошилинич холатларда

оптимал жаррохлик йулни

танлаш..... 3

**Валиев Шухрат Насимович**

Выбор оптимального хирургического доступа

при неотложных состояниях

в акушерстве..... 27

**Valiev Shukhrat Nasimovich**

Choosing the optimal surgical approach

for emergency conditions

in obstetrics..... 51

**Список опубликованных работ**

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published scientific works ..... 55

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.102.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ВАЛИЕВ ШУХРАТ НАСИМОВИЧ**

**АКУШЕРЛИҚДА ШОШИЛИНЧ ҲОЛАТЛАРДА ОПТИМАЛ  
ЖАРРОҲЛИК ЙЎЛИНИ ТАНЛАШ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар Вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2PhD/Tib1851 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.sammu.uz](http://www.sammu.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар**

**Негмаджанов Баходир Болтаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар**

**Зокирова Нодира Исламовна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Туксанова Дилбар Исмаиловна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот**

**Республика ихтисослаштирилган Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш илмий-амалий тиббиёт маркази**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги DSc..04/30.12.2019.Tib.102.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ кунини соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: Самарқанд шаҳри, М.Улуғбек кўчаси, 70А-уй, СамДТУ ихтисослашган болалар хирургик клиникаси), Тел/факс: 0(366)-233-58-92,233-79-03,e-mail: [shodikulovagulandom@mail.ru](mailto:shodikulovagulandom@mail.ru)).

Диссертация Самарқанд Давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс маркази томонидан топширилган (\_\_\_\_ - олинган рўйхат рақами). Манзил: Амир Темур Кўчаси, 18, Самарқанд, 140100. Телеграмма / факс: (+99866) 233-30-34.

Диссертация автореферати 2024 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ кунини тарқатилди.

(2024 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.М. Шамсиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Г.З. Шодикулова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Ж.О. Атакулов**

Илмий даражалар бериш бўйича илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт  
фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Бугунги кунда акушерлик амалиётида кесарча кесиш операциялари сони ҳар йили ортиб бормоқда. 2019 йилда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) томонидан «...137 давлатда кесарча кесиш операцияларининг даражаси таҳлил қилиниб, ҳар йили дунёда тахминан 18,5 миллион аёлларда абдоминал тугруқлар ўтказилиши аниқланган. Мамлакатларнинг 40 фоизида кесарча кесиш даражаси 10 фоиздан кам (ўртача 5,8%), 50 фоизида 15 фоиздан юқори (ўртача 27,9%) ва 10 фоизида 10-15 фоизни ташкил этади...»<sup>1</sup>. Халқаро тавсияларга кўра, кесарча кесиш операциялари даражаси 15 фоиздан ошмаслиги керак, чунки абдоминал туғруқ сонининг ортиши перинатал кўрсаткичларнинг салбий булишига олиб келади. Бироқ кесарча кесиш операциялари сонининг ўсиши акушерлик соҳасида янги муаммоларга сабаб бўлмоқда. Улар орасида энг аҳамиятлиси туғруқдан кейинги йирингли-септик асоратлар ва қон кетиш ҳолатларининг кўпайиши ҳисобланади. Айни пайтда, абдоминал тугруқнинг аёлнинг организмига таъсирини баҳолаш, жаарохлик амалиётига курсатма ва қарши курсатма қайта куриб чиқиш, кесар кесиш учун оптимал жаррохлик йулини танлаш ва операциядан олдин, операция пайти ва ундан кейин олиб бориш принципларини такомиллаштириш ва ўтказилган комплекс чора-тадбирлар натижаларини баҳолаш акушерлик амалиётида ечими топилиши зарур бўлган муаммо ҳисобланади.

Жаҳонда кесарча кесиш опеарциясини оптимал йулини танлаш, ундан кейин келиб чиқадиган асоратларни олдини олиш, жаррохлик амалиети утказилган аёллар организмидаги узгаришларни урганиш ва уни келтириб чиқарувчи хавф омилларини бартараф этишга қаратилган қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, абдоминал тугруқ утказилган аёлларнинг тиббий-ижтимоий хусусиятларини аниқлаш, уларда кейинги ҳомиладорлик, туғруқ, туғруқдан кейинги ва неонатал даврларни ўрганиш, таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ва перинатал асоратларни башорат қилиш ва энг макбул жаррохлик йулини танлаш усулларини ишлаб чиқиш илмий-тадқиқотларнинг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизими олдига аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини ошириш ҳамда жаҳон андозаларига мослаштириш, жумладан, абдоминал тугруқ утказилган аёлларнинг тиббий-ижтимоий хусусиятларини аниқлаш, уларга ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича чора-тадбирлар кенг амалга оширилиб, муайян ижобий натижаларга эришилмоқда. Бу борада; «...Оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишларини кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-

---

<sup>1</sup>World Health Organization. (2019). Global Health Estimates: Life expectancy and leading causes of death and disability. ВОЗ, Всемирная Ассамблея Здравоохранения, 63-я сессия. Мат., п. 11.7, А63/10, 1/У-2010, 9 с.

тадбирларни янада кенгроқ амалга ошириш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, интра- ва операциядан кейинги асоратларни эрта аниқлаш, уларни камайтириш, операциядан олдин ҳомиладорларда гемостаз тизимидаги узгаришларни аниқлаш, энг макбул операция йулини танлаш ва уни самарадорлигини баҳолаш орқали хасталик натижасида юзага келадиган асоратларни, она ва бола ўлим кўрсаткичларини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022—2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”<sup>3</sup>, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 ноябрдаги ПҚ-4513-сонли “Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладор аёллар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва қамровини янада кенгайтириш тўғрисида”ги, 2021 йил 29 июлдаги ПҚ-5199-сон “Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотларнинг республикада фан ва технологияларни ривожлантириш устувор йўналишларига мувофиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида амалга оширилди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Халқаро ҳамжамиятнинг (ЖССТ, 2015) туғруқни бошқариш тизими хулосасига кўра, кесарча кесиш операцияси кўрсаткичи (10-15%)дан оширилиши перинатал натижаларнинг пропорционал яхшиланишига олиб келмайди ва она ҳамда янги туғилган чақалоқ саломатлигига салбий таъсир қилади. Абдоминал туғруқ (11%дан 29%гача) интраоперацион (қон кетиши, қўшни аъзоларнинг жароҳатланиши, амниотик суюқлик эмболияси, ўпка артериясининг тромбоемболияси, анестезиологик асоратлар) ва операциядан кейинги (эндометрит, яра инфекцияси, перитонит, сепсис) асоратлар хавфи билан боғлиқ (Радзинский В.Е., 2020; Костин И.Н., 2021; Князева С.А., 2005).

Ривожланган мамлакатларда кесарча кесиш операциясидан кейинги туғруқлар бачадон ёрилишининг асосий хавф омили ҳисобланади ва бу кўрсаткич 0,1% дан 0,5% гача ташкил қилади. Биринчи туғувчи аёлларда режали кесарча кесишда 0,24%, шошилинич кесарча кесишда 0,16%, бачадонда битта чандик мавжуд бўлганда эса 0,2% дан 0,8% гача хавф кузатилади. (Francone P. и соавт., 2020; Paul R., Miller D., 2015). Турли туғруқ усулларининг эҳтимолий хавфлари ва афзалликларини, эрта ва кеч асоратларини таҳлил

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60-сонли Фармони.  
www.lex.uz

қилиш кесарча кесиш операциялар сони кўпайиши билан она касалланишининг ортиши ва муваффақиятли туғруқлар сони камайишига олиб келиши кўрсатди. (Бурдули Г.М., Фролова О.Г., 2017). Кесарча кесиш операциясининг асоратлари туғруқлар билан солиштирганда кўпроқ: эрта асоратлар – 56%га, анестезиологик асоратлар – 12 баравар, туғруқдан кейинги инфекциялар – 2,98 баравар, сийдик йўллари инфекцияси – 79%га, оғрик синдроми – 2,4 баравар, бош оғриғи – 6,2 баравар кўпроқ. Режали кесарча кесиш операциясидан кейинги қон кетиш хавфи (нисбий хавф, OR=2,5) ва шошилич кесарча кесиш операцияси (OR=2,0), инфекциялар (OR=2,6), қон қуйиш ва реанимация бўлимига ётқизиш хавфи туғруқларга нисбатан юқорироқ. Кесарча кесиш операциясидан кейин яра инфекцияси хавфи 3-15%ни ташкил этади, операция вақти узайиши (45 дақиқадан ортиқ) ва стационарда ётиш вақти ортади. (Suomio S., Hutter M., 2019). Туғруқдан кейинги септик асоратларини олдини олиш зарурияти эндометритнинг юқори учрашув жиҳати билан асосланади. Операциядан кейинги эндометрит ҳолатлари кўпроқ учрайди (15%, диапазон 2–54,3%), бу ўз-ўзидан туғишдан кейинги ҳолатларга нисбатан юқорироқ (ўртача 5%). Оғирликка мойил аёлларда инфекция хавфи ошади, бу ҳам эндометрит ҳолатларининг кўпайиши билан боғлиқ. (Miller D., 2015; Kristensen M. ва бош., 2020).

Америка акушер-гинекологлар коллежи ва Канада акушер-гинекологлар жамиятининг тавсиялари йирингли-септик инфекциялар хавфи юқори бўлган гуруҳларга нисбатан антибиотикопрофилактикани мажбурий қўллашни таклиф этади. Экспертлар жарроҳлик аралашувидан бир соат олдин ёки шошилич кесарча кесишда 30 дақиқа олдин антибиотикни томир ичига юборишнинг аҳамиятини. Ушбу чора-тадбирнинг перинатал натижаларга салбий таъсири йўқлигини тасдиқлаган. (Hutter M., 2019; Harlow B. и соавт., 2019).

Кесарча кесиш операцияси кўрсатмалари кенгайиши она ўлими кўрсаткичларининг табиий туғруқларга нисбатан ортишига, шунингдек, юқори малакали тиббий ёрдамга муҳтож бўлган бачадонда операция ўтказилган ҳомиладор аёллар тоифасининг пайдо бўлишига олиб келди. (Блошанский Ю.М. и др., 2019; Сидорова И.С. и др., 2018; Краснопольский В.И., Радзинский В.Е., 2018). Аввалги кесарча кесиш операцияси плацента ушиб кириши ва олдинда жойлашиши, қон қуйиш, гистерэктомия ва ҳомиладор аёллардаги касалланиш хавфи билан боғлиқ. Қайта абдоминал туғруқни камайтириш захираларини қидиришга куйидагиларни жамланмаси ердан беради: аёл хоҳишига кўра еки нисбий курсатмалар билан килинган операциялар, огирлашган ҳомиладорлик, илгарги оператив туғруқлар, аёлларнинг ортиқча вазни, туғруқдаги асоратлар.

Ўзбекистонлик олимлар: Ф.М. Аюпова (2017), М.Х. Қаттахожаева (2018), У.М. Юсупова (2019), М.Т. Хамдамова (2020) ва бошқаларнинг диагностика ва хирургик кесмани оптимал усулини ишлаб чиқиш муаммоси билан шуғулланган тадқиқотлари диққатга сазовор, аммо кесарча кесиш операциясининг интраоперацион ва операциядан кейинги асоратларининг

олдини олишга қаратилган шошилиш акушерлик ҳолатларда оптимал оператив кесма йўлини танлашга бағишланган тадқиқотлар мавжуд эмас.

Ушбу муаммоларни ҳал қилиш соғлиқни сақлашнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб, она ва бола ўлими даражасини камайтиришга ёрдам беради. Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, шошилиш акушерлик ҳолатларида аёлларда кесарча кесиш операциясини жарроҳлик оптималлаштиришнинг янги усуллари ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотларни ўтказиш шунингдек, ушбу муаммоларнинг ечимини топиш замонавий акушерлик фанининг долзарб вазифалари ҳисобланади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Самарқанд Давлат тиббиёт университетининг илмий-тадқиқот ишларига мувофиқ № ПЗ-2018-090921394 «Она ва бола саломатлигини ҳимоя қилиш бўйича диагностик, даволаш ва профилактика чора-тадбирларини ҳудудий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш» (2019-2023 йй) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** шошилиш ҳолатларда кесарча кесиш жарроҳлик амалиётининг натижаларини яхшилаш учун энг оптимал операция кесимини танлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

шошилиш кесарча кесиш операциясига кўрсатмага эга аёлларда турли хил жарроҳлик кесмасининг интра- ва операциядан кейинги асоратлар ривожланиши хавфини аниқлаш учун омилларни белгилаш;

шошилиш кесарча кесиш операциясида қорин бўшлиғига кириш усулига боғлиқ ҳолда гемостазнинг айрим кўрсаткичларини ўрганиш;

қорин бўшлиғига турли хил жарроҳлик кириш усулларида шошилиш абдоминал туғруқнинг она ва перинатал натижаларини ўрганиш;

клиник амалиётга шошилиш акушерлик ҳолатларида хирургик кесма усулини танлаш алгоритминини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Самарқанд шаҳрининг 3-сонли туғруқ мажмуаси, Тайлоқ туман ва Самарқанд туман тиббиёт бирлашмалари акушерлик бўлимларида 2019–2023 йилларда шошилиш акушерлик кўрсатмалари билан кесарча кесиш операцияси ўтказилган 258 нафар аёллар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни умумий клиник, лаборатор ва биокимёвий тадқиқотлар учун аёлларнинг веноз қони ва пешоби ташкил этган.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқотда умумклиник, лаборатор, махсус акушерлик текшируви, инструментал ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

шошилиш кесарча кесиш операцияси ўтказилган аёлларда интраоперацион (мушаклар ва томирлар шикастланиши) ва операциядан кейинги (апоневроз ости гематомалар, ичак парези, гипертермия) асоратлар частотаси 16,8% ни ташкил этгани аниқланган;

шошилинч кесарча кесиш операциясидан олдин ҳомиладорларда гемостаз тизимидаги дастлабки бузилишлар билан асоратлар ривожланиши ўртасида тўғри корреляцион боғлиқлик аниқланган;

илк бор шошилинч кесарча кесиш операцияларида апоневроз ости гематомаларнинг олдини олиш мақсадида а. epigastrica profunda inferiorни боғлаш орқали лапаротомия жарроҳлик амалиёти такомиллаштирилган;

шошилинч кесарча кесиш операциясида қўлланилган жарроҳлик амалиётларининг юқори самарадорлиги интра- ва операциядан кейинги асоратлар сонини 9,5 марта камайиши билан асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тавсия этилган жарроҳлик кесмаси қўлланилганда операцияни тез ва минимал қон йўқотиш билан яқунланиши аниқланган;

қўлланилган жарроҳлик амалиётидан кейин апоневроз ости гематомалар ҳосил бўлиш хавфи камайган, шунингдек туққан аёлларнинг операциядан кейинги даврда тез тикланишига имкон берган;

таклиф этилган усул қорин девори тўғри мушаклари шикастланишида жарроҳлик тактикасини индивидуаллаштириш имконини берган, бу эса интраоперацион жароҳатларни тўлиқ тузатишга, асоратлар частотасини камайтиришга ва даволаш самарадорлигини оширишга олиб келган;

такомиллаштирилган жарроҳлик тактикасини қўллаш буйича тавсиялар ишлаб чиқилган ва амалиётга тадбиқ этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усулларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сони етарли даражада танланганлиги, замонавий морфологик, морфометрик, гистохимик, биохимик, функционал усулларни қўллаш натижалари статистик ишлаб чиқилгани, уларнинг бири иккинчисини тўлдирувчи клиник-лаборатор, инструментал, гинекологик ва статистик тадқиқот усуллари асосида, шошилинч кесарча кесиш операциясини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларнинг ўзига хослиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шошилинч акушерлик ҳолатларида ҳомиладорларда ўтказилган турли жарроҳлик аралашувларнинг интра- ва операциядан кейинги натижаларини баҳолаш, асоратларни олдини олиш ва даволаш самарадорлигини ошириш, энг макбул операция кесмасини танлаш натижасида акушерлик ва перинатал асоратларни башорат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти интра- ва операциядан кейинги асоратларнинг олдини олиш, кесарча кесиш операциясида ҳомилани олиш вақтини 1,9 баравар қисқартириш, қон йўқотиш ҳажмини сезиларли даражада камайтириш ва такомиллаштирилган жарроҳлик усули қўлланилганда беморларнинг операциядан кейинги тикланиш муддатини икки баравар қисқартириши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиш.** Илмий тадқиқот натижалари Самарқанд шаҳар 2-сонли туғруқ мажмуасининг 2023 йил 9 декабрдаги 962-сонли буйруғи ва Самарқанд вилоят перинатал марказининг 2022 йил 25 декабрдаги 543У-сонли буйруғи билан клиник амалиётига жорий этилган.

Шошилинич кесарча кесиш операцияси ўтказилган аёлларда интраоперацион (мушаклар ва томирлар шикастланиши) ва операциядан кейинги (апоневроз ости гематомалар, ичак парези, гипертермия, бачадон субинволюцияси) асоратлар частотаси, гемостаз тизимининг дастлабки бузилишлари, жарроҳлик амалиёти турлари каби аҳамиятли бўлган прогностик хавф омилларининг асоратлар ривожланишидаги аҳамияти ўрганилган. Бу жарроҳлик амалиётларини такомиллаштириш орқали асоратларни камайтиришга, ўз вақтида тўғри ташхис қўйишга ва аёлларнинг тезроқ тикланишига имкон берган. Тадқиқотда шошилинич кесарча кесиш операциясида қўлланилган турли жарроҳлик амалиётларнинг самарадорлиги ва гемостаз тизимидаги ўзгаришларнинг патогенетик аҳамияти аниқланган. Гемостаз тизими кўрсаткичларини баҳолаш ташхис қўйишнинг тўғри усули ҳисобланиб, кейинги даволаш самарадорлигини баҳолаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Апоневроз ости гематомаларнинг олдини олиш мақсадида а. epigastrica profunda inferior ни боғлаш орқали лапаротомия жарроҳлик амалиёти такомиллаштирилиши асоратларни камайтиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Шошилинич кесарча кесиш операциясида қўлланилган такомиллаштирилган жарроҳлик амалиётлари натижасида қон қуйиш эҳтиёжи 2 мартага камайган, 443 000 сўм давлат бюджети маблағлари тежалган. Операциядан кейинги асоратларни эрта ташхислаш натижасида даволаш ётоқ кунлари 3 кунга қисқартирилиб, ҳар бир бемор учун 519 000 сўм давлат бюджети маблағлари тежалган.

“Акушерликда шошилинич ҳолатларда оптимал жарроҳлик йўлни танлаш” мавзусидаги илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 25 сентябрдаги 6/85-сонли хулосаси билан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий конференцияларда, жумладан, 3 та халқаро ва 2 та республика конференцияларида муҳокамадан утказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш нашр этилган, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, улардан 4 таси республика ва 2 таси халқаро журналларда эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Киришда** ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва талаблари, мақсад ва вазифалар, тадқиқот объекти ва предмети хусусиятлари асослаб берилган; диссертациянинг республикада фан ва технологияларни ривожлантириш устувор йўналишларига мувофиқлиги асослаб берилган, ушбу иш натижаларининг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён қилинган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш бўйича маълумотлар, шунингдек, илмий иш натижаларини чоп этиш тўғрисидаги маълумотлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **биринчи боби «Кесарча кесиш операцияларининг замонавий муаммолари. Шошилиш акушерликда кўндаланг ва буйлама кесмаларни қиёсий баҳолаш. Адабиётлар шарҳи»**да кесарча кесиш операцияси муаммолари бўйича сўнгги маълумотлар, операциядан кейинги асоратларнинг олдини олишнинг замонавий усуллари келтирилган, шунингдек, турли жарроҳлик усуллари афзалликлари ва камчиликлари ҳақида маълумот берилган. Чет эл ва маҳаллий адабиётларда шошилиш абдоминал туғруқ билан боғлиқ интра- ва операциядан кейинги асоратларнинг замонавий даволаш усуллари тўғрисидаги маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **иккинчи боби «Клиник материаллар ва тадқиқот усуллари умумий тавсифи»**да асосий гуруҳнинг характеристикалари ёритилган. Тадқиқот Самарқанд шаҳрининг № 3 туғруқ мажмуаси, Тайлоқ ва Самарқанд тиббиёт бирлашмалари базасида ўтказилиб, 2019–2023 йиллар давомида шошилиш кесарча кесиш операциялари ҳолатлари ўрганилди. Тадқиқот даврида 7 800 дан ортиқ шошилиш кесарча кесиш операциялари ўтказилган бўлиб, улар биз учун асосий таҳлил базасини ташкил этади. Деталлаштирилган ўрганиш учун 258 та ҳолат танлаб олинган, чунки айнан улар тадқиқот мезонларига мос келувчи энг оғир клиник ҳолатларни ифодалайди. Бундай ёндашув турли жарроҳлик усуллари самарадорлиги ва хавфсизлигини таҳлил қилишда алоҳида эътибор талаб қилувчи мураккаб ҳолатларга эътибор қаратиш имконини берди.

### 1-жадвал

#### 2019-2023 йилларда туғилишлар, режали ва шошилиш кесарча кесиш операциялар сони

Йил	Туғилишлар сони	Кесарча кесиш операциялари сони	Режали кесарча кесиш	Шошилиш кесарча кесиш
2019	4564	1444 (31,6%)	185 (12,8%)	1259 (87,2%)
2020	3523	1119(31,7%)	381 (34%)	738 (66%)
2021	4704	1703 (36,2%)	237 (13,9%)	1466 (86,1%)
2022	6725	2711 (40,3%)	683 (25,1%)	2028 (74,9%)
2023	8424	3223 (38,2%)	821 (25,4%)	2402 (74,6%)
<b>Жами</b>	27940	10200	2307	7893

1-жадвалга кўра, 2019–2023 йиллар давомида умумий туғилишлар сони 27 940 тани ташкил этди, шуларнинг 36,5% (10 200) кесарча кесиш операцияси

билан яқунланган. Қайд этиш жоизки, уларнинг 77,4% шошилинч (7 893) бўлиб, режали кесарча кесишлар фақатгина 22,6% (2 307) ни ташкил этган.

Йиллар бўйича динамикада, 2019 йилда 4 564 та туғилишдан 31,6% (1 444) кесарча кесиш операцияси билан яқунланган бўлиб, уларнинг 87,2% шошилинч (1 259) бўлган. 2020 йилда кесарча кесишлар улуши 31,7% (1 119 та 3 523 туғилишдан) даражасида қолган, аммо шошилинч операциялар 66% (738) ни ташкил этган. 2021 йилда туғилишлар сони 4 704 тага ошган ва 36,2% (1 703) кесарча кесиш операцияси билан яқунланган, шуларнинг 86,1% (1 466) шошилинч бўлган. 2022 йилда туғилишлар сони 6 725 тага етиб, кесарча кесишлар улуши 40,3% (2 711) ни ташкил этган, шуларнинг 74,9% (2 028) шошилинч кесарча кесишлар бўлган. 2023 йилда 8 424 та туғилиш қайд этилган, шуларнинг 38,2% (3 223) кесарча кесиш операцияси билан яқунланган ва уларнинг 74,6% (2 402) шошилинч бўлган.

## 2-жадвал

### Шошилинч кесарча кесиш операциясида операциядан кейинги асоратлар ривожланиши хавф омиллари

Хавф омили	Тавсифи	Асоратлар частотаси	AUC (ROC-таҳлил)
кечиккан госпитализация	Аёлларни стационарга кечиктириб йўналтириш – бу етарли даражадаги маршрутизациянинг мавжуд эмаслиги ёки транспорт ресурсларининг етишмаслиги сабабли юз беради.	40%	0,72
кечиккан қарор қабул қилиш	Операцияни бошлашнинг кечиктирилиши – бу ресурсларнинг етишмаслиги ёки ташхис учун зарур маълумотларнинг мавжуд эмаслиги сабабли юз беради.	35%	0,68
анамнезда массив қон йўқотишлар	Худудий шифохоналар шароитида қон ҳажмини шошилинч тиклаш имкониятининг йўқлиги.	27%	0,74
плацентанинг олдинда етиши	Плацентанинг тўлиқ олдинда ёки паст жойлашуви, жарроҳлик аралашувини қийинлаштиради.	30%	0,77
олдинги кесарча кесиш операциялари	Бачадондаги чанчик, асоратлар билан кечади.	25%	0,71

2-жадвалда шошилинч кесарча кесиш операцияларида операциядан кейинги асоратлар ривожланишига таъсир этувчи асосий клиник ва ташкилий хавф омиллари, уларнинг ROC-таҳлили орқали тасдиқланган аҳамияти кўрсатилган. Маршрутлаштиришнинг етарли эмаслиги ёки транспорт ресурслари етишмаслиги туфайли кечиккан госпитализация беморларда гипертермиянинг уч кундан ортиқ давом этиши билан 40% ҳолатларда боғлиқ (AUC 0,72). Операция бошланиши бўйича қарор қабул қилишнинг кечикиши, ташхис қўйишга тайёргарлик ва ресурслар етишмаслиги, шунингдек, шошма-

шошарлик ҳамда қорин деворининг олд томонидаги мушакларнинг дағал силжитилиши 35% беморларда (AUC 0,68) апоневроз ости гематомаларнинг юзага келишига олиб келади.

Анамнездаги катта қон йўқотиш, қон ҳажмини тиклашнинг аниқ режаси мавжуд бўлмаган ҳолатларда, беморларнинг 27% ида ичак парезининг уч кундан ортиқ давом этиши хавфини оширади (AUC 0,74). Плацентанинг олдинда ётиши хавф омили сифатида энг юқори прогностик аҳамиятга эга бўлиб (AUC 0,77), аёлларнинг 30% ида апоневроз ости гематомаларнинг ривожланиши билан боғлиқ. Аввалги кесарча кесиш операциялари 25% ҳолатларда оғриқ синдроми ва ичак парези каби асоратлар билан кечади (AUC 0,71). Тиббий ёрдам даражалари орасида беморларни нотўғри йўналтириш билан боғлиқ маршрутлаштиришдаги хатолар, операция вақтининг узайиши ва 33% аёлларда гипертермия хавфини оширади (AUC 0,70). Бу маълумотлар ташхис ва даволашни ташкиллаштиришга ёндашувларни яхшилаш зарурлигини ҳамда оғир асоратлар сонини камайтириш аҳамиятини таъкидлайди.

Тадқиқот учта босқичдан иборат бўлиб, шошилиш кесарча кесиш операцияларининг частотасини ва самарадорлигини ўрганишга қаратилган (расм 1):



*1 расм Тадқиқот дизайни*

Биринчи босқичда шошилинич акушерлик кўрсатмалари бўлган аёлларда кесарча кесиш операциялари сони таҳлил қилинди. Бу босқич ёрдамида туғруқхоналарда шошилинич жарроҳлик аралашувларига бўлган умумий эҳтиёж аниқланди.

Иккинчи босқич шошилинич кесарча кесишнинг икки хил жарроҳлик кесимининг самарадорлигини баҳолашга бағишланган: куйи ўрта лапаротомия (буйлама лапаротомия, I гуруҳ, 120 бемор) ва Джоэль-Коэн усулидаги кўндаланг кесма (II гуруҳ, 138 бемор). Беморлар операциянинг бирламчи ёки такрорий хусусиятига қараб кичик гуруҳларга бўлинган, бу эса ҳар бир усулнинг самарадорлигини аниқ баҳолашга ёрдам берди.

Учинчи босқичда олинган маълумотлар асосида асоратларни камайтириш ва она ҳамда бола учун натижаларни яхшилашга қаратилган шошилинич кесарча кесиш операциясининг энг мақбул усулини танлаш алгоритми ишлаб чиқилди.

Ҳар бир тадқиқот босқичи яхшиланган даволаш протоколларини ишлаб чиқишда асосий ўрин тутуди ва акушерлик соҳасидаги кейинги проспектив тадқиқотлар учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Олинган натижалар кесарча кесиш усулини илмий асосланган ҳолда танлаш, хавфларни камайтириш ва ҳомиладор аёллар учун натижаларни яхшилашга ёрдам беради.

Тадқиқотдаги аёллар ёши 18 ёшдан 45 ёшгача бўлган. Тадқиқотга кўшиш мезонлари шошилинич кесарча кесиш операцияси учун кўрсатмаларга эга бўлган ҳомиладор аёлларни ўз ичига олди (НЖЙМОК, плацентанинг олдинда ётиши, оғир даражадаги преэклампсия, эклампсия ва бачадон ёрилишлари).

Операция учун энг мақбул кесмани танлаш, болани эҳтиёткорлик билан чиқариш ва бачадоннинг пастги сегментини тиклаш операциянинг муваффақиятли яқунланиши учун асосий омиллар ҳисобланган. Операциядан кейинги асоратларни камайтиришга қаратилган янги усуллар ишлаб чиқилган. Асосий оғриқсизлантириш усули умумий эндотрахеал наркоз бўлган.

Даволаш самарадорлиги уч баллик тизим бўйича баҳоланган:

- Яхши натижа — 3 кундан ортиқ бўлмаган беморнинг тана ҳарорати нормал даражада бўлиши, оғриқлар йўқлиги, яра бирламчи битиши, асоратларсиз ва инфилтратсиз ҳолатлар ҳисобланган. Бу жарроҳлик аралашувининг ижобий натижаси ва тез тикланишни кўрсатган;

- Қониқарли натижалар — тана ҳарорати 3 кундан ортиқ юқори бўлиши ва оғриқлар 3 кундан ортиқ давом этиш ҳоллар киритилган. Бундай натижалар кўшимча кузатув ва даволашни талаб қилган, аммо доимо ҳам катта асоратларга олиб келмаган;

- Қониқарсиз натижаларда беморда гематомалар ёки яра йиринглаши каби асоратлар ривожланган бўлиб, улар жиддий тиббий аралашувни ва такрорий жарроҳлик манипуляцияларни талаб қилган. Бундай ҳолатларда операция натижаси салбий деб баҳоланган ва беморнинг ҳолатини тузатиш учун фаол чоралар кўрилган.

Клиник кўрсаткичлар операция давомийлиги, қон йўқотиш ҳажми ва янги туғилган чақалоқлар ҳолатини ўз ичига олган. Лаборатория текширувлари ва

беморларни динамик кузатуви хавфсизлик даражасини ошириш ва натижаларни яхшилаш имконини берган.

Диссертациянинг учинчи боби «Джоэль-Коэн усулидаги кўндаланг жарроҳлик кесмаси орқали шошилинч кесарча кесиш натижаларини таҳлил қилиш» деб номланиб, шошилинч кесарча кесишнинг мазкур усули билан операция қилинган барча аёллар чуқур ўрганилган. Уларнинг ёши, туғруқ тарихи, шикоятлари, ҳамроҳ касалликлари, ўтказилган жарроҳлик аралашуви, операциядан кейинги жараён, интра- ва операциядан кейинги асоратлар таҳлил қилинган. Беморлар икки кичик гуруҳга бўлинган: II А ва II Б. II А кичик гуруҳига биринчи марта кесарча кесиш операцияси ўтказилган беморлар киритилган бўлса, II Б кичик гуруҳидан такрорий кесарча кесиш операциясини бошдан кечирган аёллар ташкил этган.

II гуруҳда (n = 138) 65,2% (90 бемор) биринчи марта операция қилинган (II А гуруҳ), 34,8% (48 бемор) эса олдинги операциядан кейинги чандикқа эга бўлган (II Б гуруҳ).

Айтиш жоизки, бу гуруҳда апоневроз ости гематомалар тез-тезлиги 15,2% (n = 21) ни ташкил этган. 12 ҳолатда беморларга консерватив даволаш ўтказилган, гемостатик воситалар (транексам кислотаси 10 мл + 250 мл натрий хлориди венага 2 марта/кун) ва гематоманинг ўлчамини ҳар куни ультратовушли мониторинг қилиш тайинланган. Гематоманинг ўлчами ва локализациясини аниқлаш учун 5 беморга КТ текшируви ўтказилган.

### 3-жадвал

#### Апоневроз ости гематома бўлган аёлларда операциядан кейинги даврда қайта лапаротомия ҳажми.

Операция ҳажми	II гуруҳ (n=138)	
	n	%
релапаротомия, гематомани бартараф қилиш, а. epigastrica profunda inferiorни боғлаш	3	2,17%
релапаротомия, гематомани бартараф қилиш	4	2,8%
релапаротомия, гематомани бартараф қилиш, тотал гистерэктомия	2	1,4%
<b>Жами</b>	9	6,5%

3 жадвалда, II гуруҳда (n = 138) 6,5% беморларда (9 ҳолат) релапаротомия талаб қилинган. Улардан 2,17% (3 бемор) да а. epigastrica profunda inferior ни боғлаш амалга оширилган, 2,8% (4 бемор) да гематомани бартараф этиш, ва 1,4% (2 бемор) да гематомани бартараф этишидан сўнг тўлиқ гистерэктомия бажарилган ортиklarсиз (ДВС-синдром).

Гематомани бартараф этиш ва гемостазни таъминлаш учун қуйидаги операция босқичлари бажарилди:

1. Босқич: гематомани ликвидацияси, гемостаз — қон оқувчи томирларни боғлаш;
2. Босқич: қорин бўшлиғи ва унинг аъзоларини ревизия қилиш;
3. Босқич: қорин бўшлиғини санация қилиш;
4. Босқич: контрол гемостаз ва қорин бўшлиғини дренажлаш.



*2-расм. Туққан аёл К.М. Тайлоқ туман шифохонаси. Туғруқ тарихи № 779/283/245/212. Дžoэл-Коэн усулида лапаротомия. НЖЙМОК огир даражаси туфайли операция қилинган. Кесарча кесиш операциясидан кейинги 6-кун.*

4 та ҳолатда, гематомаларнинг ҳажми ва уларнинг қорин олди девори мушаклари орасида тарқалганини ҳисобга олган ҳолда, кўндаланг кесим мукамал гемостазни таъминлаш ва гематома қолдиқларини олиб ташлаш учун буйлама кесим билан тўлдирилди.

Диссертациянинг **тўртинчи боби «Қуйи ўрта буйлама кесим орқали шошилич кесарча кесиш натижалари»** деб номланган бўлиб, қуйи ўрта жарроҳлик кесмасидан фойдаланган ҳолда 120 та шошилич кесарча кесиш ҳолатлари таҳлил қилинган. Беморларнинг чуқурроқ таҳлили учун улар икки кичик гуруҳга бўлинган: IА ва IБ. IА кичик гуруҳига кесарча кесиш операцияси биринчи марта ўтказилган беморлар киритилган бўлса, IБ кичик гуруҳидан такрорий кесарча кесиш операциясини бошдан кечирган аёллар ташкил этган.

IА кичик гуруҳида ( $n = 80$ ) аёлларнинг 66,6% биринчи марта операция қилинган. IБ кичик гуруҳи ( $n = 40$ ) эса икки ёки ундан ортиқ операциялар тарихига эга бўлган 33,4% беморларни ўз ичига олган.

Олд қорин девори мушакларининг шикастланиши кўпинча қайта кесарча кесиш операцияларида кузатилади. Кўпчилик акушер-гинекологлар хатоси шундаки, улар мушаклар ва қорин пардасини тикишади (стандартлардан четга чиқиш), бу эса қайта кесарча кесиш операцияларида киришни янада қийинлаштиради. Яхши кесманинг мезони мушакларнинг яхлитлигидир. Бу қоидаларга риоя қилинмаганда, мушакларнинг шикастланиши — ёрилиши, йиртилиши ва олд қорин девори тугри мушакларининг узилиш ҳолатлари содир бўлади.

Айниқса, ҳаёт учун хавфли асоратларнинг олдини олиш мақсадида тезкор ва кенг имконият яратувчи қуйи ўрта буйлама лапаротомияни танлаш йўлдошнинг олдинда ётишида жуда муҳимдир (2 расм).

Шундай қилиб, эски чандиқ бўлишига қарамасдан, жарроҳлик аралашувини талаб қиладиган ҳолатларда қуйи ўрта буйлама кесим, айниқса


юқори хавфли омиллар мавжуд бўлган ҳолларда, хавфсизроқ танлов ҳисобланади.

Мушакларнинг ёрилиши ҳолатида коагуляция йўли билан гемостаз ўтказиш тавсия этилади, бу қон кетишларнинг олдини олиш учун етарли. Мушакларнинг йиртилиши ҳолатида коагуляция ва *a. epigastrica profunda inferior* ни боғлаш тавсия этилади (3 расм).

Мушакларнинг узилиши ҳолатида, *a. epigastrica profunda inferior* ни боғлаш билан бир қаторда, мушакларнинг яхлитлигини тиклаш амалга оширилади (4 расм).



*3 расм. a. epigastrica profunda inferior боғлаш*




*4 расм. Тўғри мушакларнинг узилган жойларини тикиш*

Диссертациянинг бешинчи боби «Шошинч кесарча кесиш операциясида кўндаланг ва буйлама кесимларни қиёсий баҳолаш» деб номланган бўлиб, икки асосий жарроҳлик ёндашувининг самарадорлиги таҳлили натижалари келтирилган. Интраоперацион ва операциядан кейинги асоратлар, шу жумладан, қон йўқотиш, операция давомийлиги, инфекцион асоратлар хавфи ва тикланиш даври кўрсаткичлари қиёсий баҳоланган. Олинган маълумотлар асосида ҳар бир усулнинг афзалликлари ва камчиликлари баҳоланган, бу эса шошинч акушерлик ёрдами шароитида энг мақбул жарроҳлик кесмасини аниқлаш имконини беради.

5 расмга кўра энг кўп учрайдиган кўрсатма оғир даражадаги презклампсия бўлиб, у энг кўп II А гуруҳида (51,10%) ва энг кам II Б гуруҳида (31,25%) учраган. Плацентанинг олдинда жойлашиши кўрсатмалар орасида иккинчи ўринни эгаллаган ва I А ҳамда II А гуруҳларида 22,20% ҳолатларда, шунингдек, I Б (37,70%) ва II Б (35,40%) гуруҳларда кўпроқ учраган. Нормал жойлашган йўлдошнинг муддатидан олдин кучиши (НЖЙМОК) II А гуруҳида

25,50% дан I A гуруҳида 32,20% гача ўзгарган. Эклампсия камдан-кам учрайдиган кўрсатма бўлиб, 1,10% дан 2,00% гача бўлган ҳолларда қайд этилган, энг кўп II Б гуруҳида учраган. Бачадон ёрилиши фақат такрорий кесарча кесишдан ўтказилаётган аёлларда кузатилган бўлиб, унинг частотаси I Б гуруҳида (3,30%) га нисбатан II Б гуруҳида юқори (4,10%) бўлган.



**5-расм** Шошилиш кесарча кесиш операциясида асосий кўрсатмалар (%)

Шошилиш кесарча кесиш операциялари ҳар бир босқичда вақтни минималлаштиришни талаб қилади, бу натижаларни яхшилашга ёрдам беради. I гуруҳда ҳомилани олиш вақти анча қисқа бўлган — 4,1 дақиқага нисбатан II гуруҳда 8,1 дақиқа ( $p < 0,01$ ). Бачадонни тикиш ҳам I гуруҳда тезроқ амалга оширилган (14,8 дақиқага нисбатан 16,8 дақиқа), шунингдек, кичик чанок аъзоларини қайта ревизия қилиш I гуруҳда 2,7 дақиқа, II гуруҳда эса 5,8 дақиқа ( $p < 0,05$ ) бўлган. Операция давомийлигидаги асосий фарқлар аралашувнинг эртароқ босқичларида, айниқса, чандиқлар мавжуд бўлган ҳолларда кузатилади (4 жадвал).

**4-жадвал**

**Асосий гуруҳ ва таққослаш гуруҳида кесарча кесиш операциясининг айрим босқичлари давомийлиги (дақ)**

Операция босқичи	I гуруҳ	II гуруҳ
хомилани олиш вақти	4,1±0,5	8,1±0,4**
бачадонни тикиш	14,8±0,6	16,8±0,5
кичик чанок аъзоларини ревизияси	2,7±0,3	5,8±0,4*
апоневрозни тикиш	14,5±0,2	14,6±0,3
терини тикиш	7,6±0,4	7,6±0,4

**Изоҳ:** \* – I гуруҳ маълумотларига нисбатан фарқлар муҳим ( $*-p < 0,05$ ,  $** - p < 0,01$ ).

5 жадвалда, I гуруҳдаги беморларда протромбин вақти  $12,1 \pm 1,1$  секунддан  $13,4 \pm 1,3$  секундгача кўпайган ( $r = +0,64$ ,  $p < 0,05$ ), бу қон ивиш жараёнида минимал ўзгаришларни акс эттиради. Иккинчи гуруҳда эса протромбин вақти анча юқори кўпайиб,  $12,5 \pm 1,2$  секунддан  $15,2 \pm 1,5$  секундгача етган ( $r = +0,79$ ,  $p < 0,01$ ), бу гипокоагуляция ривожланиши ва қон кетиш хавфини оширишини билдиради.

Фибриноген даражаси ҳам икки гуруҳда пасайган, аммо II гуруҳда ўзгаришлар кўпроқ намоён бўлган:  $4,0 \pm 0,6$  г/л дан  $2,9 \pm 0,7$  г/л гача ( $r = -0,75$ ,  $p < 0,001$ ) I гуруҳдаги  $3,8 \pm 0,5$  г/л дан  $3,2 \pm 0,6$  г/л га нисбатан ( $r = -0,61$ ,  $p < 0,05$ ). Фибриноген пасайиши, айниқса, кўндаланг лапаротомияда, қон ивиш тизимининг фаолияти етишмаслигини тасдиқлайди.

### 5 жадвал


#### Турли хил жарроҳлик лапаротомия турлари қўлланилган беморларда операциягача ва операциядан кейинги гемостаз кўрсаткичлари динамикаси

Гемостаз кўрсаткичлари	Гуруҳ	Операциядан олдин	Операциядан кейин	Корреляция коэффициенти (r)	Мўҳимлик даражаси (p) *
протромбин вақти (сек)	I	$12.1 \pm 1.1$	$13.4 \pm 1.3$	+0.64	< 0.05
	II	$12.5 \pm 1.2$	$15.2 \pm 1.5$	+0.79	< 0.01
фибриноген (г/л)	I	$3.8 \pm 0.5$	$3.2 \pm 0.6$	-0.61	< 0.05
	II	$4.0 \pm 0.6$	$2.9 \pm 0.7$	-0.75	< 0.001
D-димерлар (нг/мл)	I	$470 \pm 110$	$680 \pm 150$	+0.72	< 0.001
	II	$520 \pm 130$	$950 \pm 200$	+0.88	< 0.001
АЧТВ (сек)	I	$30.4 \pm 2.5$	$32.5 \pm 2.7$	+0.65	< 0.01
	II	$30.0 \pm 2.9$	$36.8 \pm 3.5$	+0.82	< 0.001
тромбоцитлар ( $10^9$ /л)	I	$210 \pm 20$	$190 \pm 25$	-0.58	< 0.01
	II	$220 \pm 30$	$170 \pm 40$	-0.71	< 0.001

*Изоҳ:* \* – жарроҳлик амалиетидан олдин ва кейинги ўзгаришлар мўҳимийлиги.

D-димерлар даражаси тромбларнинг фаол парчаланиши ва ивиш мувозанатининг бузилишини кўрсатиб, I гуруҳда  $470 \pm 110$  нг/мл дан  $680 \pm 150$  нг/мл гача кўпайган ( $r = +0,72$ ,  $p < 0,001$ ), II гуруҳда эса  $520 \pm 130$  нг/мл дан  $950 \pm 200$  нг/мл га етган ( $r = +0,88$ ,  $p < 0,001$ ). Бу ўзгаришлар қон кетишининг кучайиши ва апонеевроз ости гематомалар шаклланиши билан боғлиқ.

Фаоллаштирилган қисман тромбопластин вақти (АЧТВ) ҳам икки гуруҳда узайган, аммо II гуруҳда ўзгаришлар кўпроқ кузатилган:  $30,0 \pm 2,9$  секунддан  $36,8 \pm 3,5$  секундгача ( $r = +0,82$ ,  $p < 0,001$ ) I гуруҳдаги  $30,4 \pm 2,5$  секунддан  $32,5 \pm 2,7$  секундга нисбатан ( $r = +0,65$ ,  $p < 0,01$ ). АЧТВ узайиши қон ивиш тизимининг пасайишини билдиради.



**6-расм** Гуруҳларда кесарча кесиш операциясидаги қон йўқотиш ҳажми (мл).

Тромбоцитлар сони II гуруҳда сезиларли даражада пасайиб,  $220 \pm 30$  дан  $170 \pm 40 \times 10^9$ /л га тушган ( $r = -0,71$ ,  $p < 0,001$ ), I гуруҳда эса  $210 \pm 20$  дан

190 ± 25 × 10<sup>9</sup>/л га тушган (r = -0,58, p < 0,01). Бу гипокоагуляцияни кўшимча тасдиқлайди.

